# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 24 (9.674) 2002 йил 27 февраль, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда


## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

### Янгиликлар, воқеалар

«ТАШАББУС — 2002»

**Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар ва қўли гул ҳунармандлар ўртасида ўтказилган «Ташаббус — 2002» кўрик-танлови кўтаринки руҳда ўтди. Танловда илк босқичлардан муваффақиятли ўтган 5 нафар тадбиркор ва 5 нафар ҳунарманд иштирок этди.**

## Омад ёр бўлганлар



Албатта, ушбу кўрик-танловга ташриф буюрган ҳар бир киши аввало тадбиркор ва ҳунармандларнинг ишлари билан батафсил танишиш, улар билан дилдан суҳбатлашиш имкониятига эга бўлдилар. Уларнинг маҳсулотлари асосида ташкил этилган кўргазма бунинг яққол исботидир. Кўргазмадан ўрин олган «Ромсервис» ҳамда «SV CO LД» масъулияти чекланган жамиятларида ишлаб чиқарилаётган импорт ўрнини босувчи қурилиш материаллари, «Назиров» хусусий корхонасида тайёрланаётган савдо ускуналари ва идора мебеллари, «Имэкс» хусусий фирмасида тикилаётган мавсумбоп болалар кийимлари, «Мавлон-техник» масъулияти чекланган жамиятида автомашиналар учун тайёрланаётган бутловчи қисмлар бугунги тадбиркорларга берилаётган имконият, яратилаётган шарт-шароитларнинг натижаси эканлиги кишини қувонтиради.

— Кўрик-танловда қатнашиш истагини билдирганлар кўп бўлди, — дейди туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси Хайрулла Холхўжаев. — Биз уларнинг ичидан талабларга жавоб берадиганларини танлаб олдик. Кўриб турганингиздек, бугун улар уч босқичда беллашадилар. Ишончимиз комилки, ҳар йилгидек ушбу танловимиз иштирокчилари ҳам холис баҳосини оладилар.

Кўрик-танлов иштирокчи ва томошабинларда ҳам ҳаяжон уйғотадиган кўтаринки руҳда ўтди. Айниқса савол-жавоблар босқичида ҳар бир иштирокчининг билими, иқтидори ва лаёқати юзага чиқди. Барча босқичларни зийраклик билан кузатган ҳакамлар ҳайъати ғолибларни ҳаяжон билан эълон қилишди. «Ромсервис» масъулияти чекланган жамияти директори Петр Романов туманда «Энг яхши тадбиркор», «Мусаввир» илмий ишлаб чиқариш маркази кулол устаси Алишер Раҳимов «Энг яхши ҳунарманд» номини қўлга киритишиб, кўрик-танлов ғолиби бўлишди. Эндиликда улар пойтахт тадбиркор ва ҳунармандлари ўртасида ўтказиладиган «Ташаббус—2002» кўрик-танловида иштирок этадилар.

Хулоса қилиб айтганда, ташаббус қанот ёйди. Бугун унинг қанотидан мамлакатимиз довруғини таратувчи тадбиркор ва ҳунармандлар ўрин олганлиги эса қувонарлидир.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: кўрик-танловдан лавҳалар.**
**Тоҳир Ниғматуллин олган суратлар.**






*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## Уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятини ривожлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Республикада аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизимидаги иқтисодий ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Зарур қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий база яратилган. Уй-жой мулкдорларининг ширкатларини шакллантириш жараёни фаол давом этмоқда. Уй-жой мулкдорларининг салкам 1400 та ширкатлари ташкил этилган бўлиб, кўп хонадонли жами уй-жой биноларининг 88 фоизи бошқариш учун уларга топширилган. Кўрсатилаётган коммунал хизматларга ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилиши учун коллектив масъулияти тизими яхшиланди. 1991 йилга қадар барпо этилган кўп хонадонли уй-жой биноларини капитал таъмирдан чиқариш дастурлари тасдиқланган.

Шу билан бирга уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолиятида қатор жиддий камчиликлар ва ҳал этилмаган муаммолар мавжуд. Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан уй-жой мулкдорлари ширкатларини зарур моддий-техника базаси, шу жумладан улар учун мўлжалланган хоналар, моддий ресурслар, асбоб-анжомлар билан таъминлашда уларга амалий кўмак ва ёрдам кўрсатиш, уйлар атрофидаги ер участкаларини қонун йўли билан бириктириб қўйиш, шунингдек зарур айланма маблағлар ажратиб бериш борасидаги ишларни ташкил этишга эътибор берилмаяпти. Оқибатда кўпгина уй-жой мулкдорларининг ширкатлари уй-жойларни жорий ҳамда капитал таъмирдан чиқариш, ободонлаштириш ишларини ўз вақтида ўтказиш учун етарлича маблағга эга эмаслар.

Зарур бўлган ташкилий тадбирларни ўтказмасдан, 1991 йилга қадар барпо этилган уй-жой биноларини аввал капитал таъмирдан чиқармасдан туриб уй-жой мулкдорларининг ширкатларини ташкил этиш ҳоллари мавжуд. Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Хоразм, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида уйларнинг ичидаги муҳандислик коммуникацияларини ва уй-жой биноларининг умумфойдаланадиган жойларини капитал таъмирдан чиқариш ишлари жадвалдан анча орқада қолган ҳолда олиб борилмоқда.

«Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 15 апрелдаги Қонуни бажарилишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтириш ҳамда уй-жой мулкдорлари ширкатларининг фаолияти учун қулай шароит яратиш, уй-жой фондини сақлашда ва ундан тегишлича фойдаланишни таъминлашда, таъмирлаш-тиклаш ишларини ўз вақтида ўтказишда, уй-жойлар атрофидаги ҳудудни ободонлаштиришни яхшилашда мазкур ширкатларнинг ролини ошириш, шунингдек уларнинг моддий-техникавий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари хизматлар кўрсатишдан, шу жумладан ижарага топширилган мулкдан тушадиган даромадларидан 2007 йилга қадар бўлган даврда барча турдаги солиқлар ва бюджетга йиғимлар тўлашдан озод қилинсин, бунинг натижасида бўшайдиган маблағлар аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда ўз айланма маблағларини тўлдиришга, уй-жой мулкдорлари ширкатларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, уй-жой биноларини ҳамда уйларнинг ичидаги муҳандислик коммуникацияларини таъмирлаш, ҳудудни ободонлаштиришга йўналтирилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, кўп хонадонли уй-жой биноларида яшовчи аҳолидан коммунал хизматлар ҳақини йиғишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги шартномалар мазкур хизматларни кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар томонидан уй-жой мулкдорларининг ширкатлари билан тузилади.

Коммунал хизматларни кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар коммунал хизматлар учун жорий тўловлар бўйича хомчўт қилинган тушумлар бажарилгани тақдирда уй-жой мулкдорларининг ширкатларига қуйидаги тартибда ажратмалар бериши белгилаб қўйилсин:

100 фоиз бажарилган тақдирда — тушган тўловлар суммасининг 15 фоизи;

75 фоиздан ортиқ бажарилган тақдирда — тушган тўловлар суммасининг 7 фоизи миқдорида.

Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари мазкур маблағлардан аниқ мақсадни қатъиян кўзлаган ҳолда уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ходимларини рағбатлантириш, уй-жой-коммунал хизматлари учун тўловлар бўйича мавжуд қарзларни тўлаш, шу жумладан хизматлар учун ҳисоб-китоблар бўйича кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш, шунингдек уй-жой мулкдорларининг ширкатига бириктирилган уй-жой биноларини таъмирлаш, ҳудудларни ободонлаштириш борасидаги ишларни амалга оширишда фойдалансинлар.

3. Белгилаб қўйилсинки, 2002-2006 йиллар мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг корхоналари ҳамда коммунал хизмат кўрсатиш объектларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан, шунингдек ер участкаларини фуқароларнинг умрбод мерос бўлиб қоладиган эгалигига сотишдан тушадиган маблағлар (ер участкаларини сотиш тушумининг белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасига ўтказиладиган 5 фоиз миқдордаги ҳамда Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига ўтказиладиган 5,5 фоиз миқдордаги маблағларидан ташқари) 1991 йилга қадар барпо этилган уй-жойларни реконструкция қилиш, уйларнинг ичидаги муҳандислик коммуникацияларини капитал таъмирдан чиқариш, турар-жой биноларининг умумфойдаланадиган жойларини ободонлаштириш ишларини амалга ошириш учун уй-жой мулкдорларининг ширкатларига берилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда мазкур Фармонга мувофиқ амалдаги қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ушбу Фармонни ижро этиш юзасидан қарор қабул қилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 26 февраль.

## ХХI аср садоси

**Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар**

### Мамлакатимизда

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда АҚШнинг «Кейс-Нью Ҳолланд» компанияси президенти ва ижрочи директори Паоло Монферино ҳамда мазкур компания директорлар кенгашининг раиси Жан Пьер Россони қабул қилди. Мулоқот чоғида ўзаро шериклик муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболи билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига Қурбон ҳайити муносабати билан жаҳоннинг давлат ва ҳукумат раҳбарларидан самимий дил сўзлари изҳор этилган қутловлар келиши давом этмоқда.

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра Рустам Исаев Ўзбекистон Республикасининг Туркия Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланди.

• Республика Пул-кредит сиёсати комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

• **Кеча** республика Фан ва техника давлат қўмитаси биносида мамлакатимиздаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг иккинчи босқичи вазифалари: табиий фанларни ўқитишда таълим ва фан интеграцияси» мавзуидаги биринчи илмий конференцияси ўз ишини бошлади.

• Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан «Уч авлод» деб номланган тадбир ўтказилди.

• «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси «Ёшлар» телеканали ҳамда «Тарона рекордс» қўшма корхонаси билан биргаликда «Тарона — 2002» танловини ўтказди. Ғолиблар ўн икки номенация бўйича аниқланди. Жумладан, хонандалар Райҳон Ғаниева ва Анвар Санаев йилнинг энг яхши эстрада қўшиқчиси номига сазовор бўлди.

• Ўтган куни пойтахтимиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуида бошланган муайтай бўйича Ўзбекистон чемпионати мусобақалари **бугун** қизғин давом этди. **Эртага** чемпионатнинг ўз вазн тоифалари бўйича дастлабки ғолиблари аниқланади.

### Жаҳонда

• Минскда МДҲ мамлакатлари ҳудудида терроризмга қарши кураш масалалари бўйича экспертлар кенгаши ўз ишини ниҳоясига етказди. Кенгаш иштирокчилари махсус ҳужжатни тайёрладилар. Бу ҳужжат МДҲга аъзо давлатлар раҳбарларининг учрашувида тасдиқланади.

• Европа Иттифоқининг ташқи сиёсат масалалари бўйича мувофиқлаштирувчиси Хавьер Солано билан учрашганидан сўнг Фаластин Мухторияти Раиси Ёсир Арафот Исроил билан хавфсизлик хизматлари вакиллари даражасида музокараларни бошлашга тайёрлигини маълум қилди. Мазкур музокараларда АҚШ вакиллари воситачилик қилишади. Шунингдек, Хавьер Солано Ариэль Шарон маъмурияти билан ҳам музокаралар ўтказди.

• **Бугун** Европа Иттифоқининг ташқи сиёсат масалалари бўйича мувофиқлаштирувчиси Хавьер Солано Саудия Арабистони Подшоҳлиги Валиаҳди Абдуллоҳ билан Яқин Шарқ масалалари юзасидан музокаралар ўтказиш учун Саудия Арабистонига келади.

• АҚШнинг Пентагон ташкилоти мамлакат Конгресси ва Оқ уй раҳбарияти олдида ҳисобот бериб, антитеррор кампаниянинг қўшимча маблағ билан таъминланишини сўради. Маълумотларга кўра, жорий йилнинг 30 сентябрига қадар бу ҳаракатлар учун 17,4 миллиард доллар ажратилган.

• АҚШ Президенти Жорж Буш гарчи Афғонистонда гиёҳванд моддалар етиштирилишига қарамасдан бу давлатга нисбатан жорий этилган жазо чораларини бекор қилди. Американинг мазкур «қора рўйхати»дан 23 та давлат ўрин олган. Жорж Бушнинг айтишича, жазо чораларини бекор этиш Афғонистонга Қўшма Штатлар ёрдами киритила бошлангандан кучга киради.

• Ҳиндистонга ташриф билан борган Афғонистон Муваққат ҳукуматининг раиси Ҳамид Карзай Ҳиндистон Республика ташқи ишлар вазири билан музокаралар олиб борди. У Ҳиндистон Республикаси Бош вазири билан ҳам учрашади.

• Кобулда янги радиостанция ишга тушди. Европа комиссияси томонидан ташкил этилган ушбу радиостанцияни Афғонистон аҳолисининг 80 фоизи эшитиш имкониятига эга бўлади.

• Москвада Болтиқбўйи беш мамлакати ва АҚШ иштирокида Каспий ҳуқуқий мақоми масалаларига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтмоқда. Россия, Қозоғистон, Озарбайжон, Туркманистон ва Эрон ҳозирча ушбу денгизнинг бой имкониятларидан фойдаланиш масаласи хусусида якдил фикрга кела олмаяпти.

• Сингапурда Осиёда энг йирик аэрокосмик кўргазма очилди. Кўргазма ишида жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидан 400 дан зиёд компания иштирок этмоқда.

• Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр 2003 йилнинг 1 майида Европа валютаси бирлиги бўйича референдум ўтказмоқчи. Independent газетаси ана шу ҳақда хабар тарқатган. Унда давлат тасарруфидан фунт стерлинг олиниб, еврога ўтиш масаласи қўйилади.

• Кубадаги Гуантанамо ҳарбий базасида сақланаётган Буюк британиялик толиблар Англияга топширилади. АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамфсельднинг айтишига қараганда, бу асирлар ўз мамлакатларида суд қилиниши ва тегишли тартибда жазоланиши керак.

• Покистонда америкалик журналист Дэниэль Перлнинг ўғирлаб кетилиши ва ўлдирилишида айбдор деб гумон қилинаётган Аҳмад Умар Сайид Шайх иши устидан суд йиғилиши бўлиб ўтди.

• **Кеча** Покистоннинг Равалпинди шаҳридаги мачитга диний экстремистлар бостириб кириб бу ерда диний амалларни адо этаётганларга қарата ўт очди. Шу ернинг ўзида 10 киши қурбон бўлди, яна бир неча киши жароҳат олди.

• Сербия парламенти ўлим жазосини бекор қилиб, уни 40 йиллик қамоқ жазоси билан алмаштирди.

• Италия суди бир гуруҳ тунисликларни «Ал-Қоида» экстеримистик ташкилоти билан алоқада айблаб ҳукм чиқарди.

• Гаагада Югославиянинг собиқ Президенти Слободан Милошевич устидан суд жараёни давом этмоқда.

• Грузия миллий хавфсизлик кенгаши котиби Нугзар Саджоя ўз жонига қасд қилди. У 1995 йилдан буён шу лавозимда ишлаб келаётган эди. Нугзар Саджоя мамлакат Президентининг энг яқин одамларидан саналарди.

• Исроил ҳарбийлари Иордан дарёси Ғарбий қирғоғидаги рухсатнома пунктларидан бирида бир фаластинликни ўлдиришган, унинг рафиқаси ва отасини ярадор қилишган. Жабрланганлар автомобилда шифохонага кетишаётган эди. Исроил томонининг таъкидлашича, бунга ҳайдовчи ишорага тўхтамаганлиги сабаб бўлган.

• **Кеча** Вифлеем шаҳри жанубида Исроил транспорт колоннаси террорчилар томонидан ўққа тутилган. Натижада икки киши қурбон бўлиб, бир нечаси жароҳатланган. Ҳозирда махсус хизмат ходимлари ва ЦАХАЛ аскарлари террорчиларни қидирмоқдалар.

• «Озодлик» радиостанциясининг хабар қилишича, Чеченистоннинг Ведено тумани ҳарбий комиссарининг ёрдамчиси А.Зухайраев ўлдириб кетилган. Жиноят содир бўлган вақтда туман халқ таълими бўлими ходими Султон Башировга нисбатан ҳам суиқасд уюштирилган. Ҳозирда ҳар икки жиноят устидан текширув олиб борилмоқда.

## МАТБУОТНИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

**Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати ташаббуси билан оммавий ахборот воситалари вакилларининг давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Унда радио ва телевидение, ахборот агентликлари раҳбарлари, етакчи газеталар бош муҳаррирлари, бош муҳаррир ўринбосарлари, таҳририятларнинг иқтисодиёт ва аграр масалалар билан шуғулланувчи бўлим мудирлари, мухбирлар иштирок этди.

Анжуманда Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ҳамда 2002 йилги вазифаларга бағишланган йиғилишида, шунингдек, Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқларида қўйилган масалаларнинг ижроси оммавий ахборот воситаларида қандай акс этаётгани хусусида гап борди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот котиби Рустам Жумаев анжуманда сўзга чиқиб, бозор муносабатларига ўтиш, хусусийлаштириш, умуман ислоҳотлар жараёнини тўлақонли ёритишда журналистларда ҳар доим ҳам касбий малака етишмаётганини таъкидлади. Айни вақтда воқеа, ҳодисалар таҳлили саёз, баъзан бир ёқлама ёритилиши, жойларда содир этилаётган қонунбузарликларга нисбатан муросасозлик кўзга ташланаётганига эътиборни қаратди. Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, матбуот кузатувчи эмас, жараёнларнинг фаол иштирокчиси, йўналтирувчи бунёдкор куч бўлиши керак.

Оммага мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий, молиявий сиёсат моҳиятини содда, равон, тушунарли тилда етказмоқ зарур. Табиий захираларимиз — ердан, сувдан оқилона фойдаланиш, газ, электр энергиясини истифода этишда исрофгарчиликка йўл қўймаслик ҳаёт талаби эканлигини тушунтириш бугунги матбуотнинг долзарб масалаларидандир.

Давра суҳбати иштирокчилари кўтарилган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. (ЎзА).

ЁШЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

## Депутатлар фаолияти билан танишишди

**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ёшларнинг ҳар томонлама камол топишига кўмаклашиш борасида кўпгина ўзига хос ишларни амалга ошириши билан унинг ҳаётимиздаги ўрни тобора ошиб бормоқда.**

«Камолот» ҳаётга татбиқ этаётган охирги лойиҳалардан бири, бу — ёшларнинг таклиф ва истакларини инобатга олган ҳолда мактабларимиз ўқувчиларини давлат тузилмаларининг фаолияти билан яқиндан таништиришдир.

Бу гал шаҳримиз мактабларининг 55 нафар аълочи ўқувчилари Тошкент шаҳар ҳокимлигида экскурсияда бўлиб ҳокимлик ходимлари ва хизматларининг фаолияти билан танишишди.

Биз мазкур тадбир ташкилотчилари ва қатнашчиларининг фикрларини қоғозга туширдик.

**Гулчеҳра ОЛИМЖОНОВА,**
**Тошкент шаҳар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Болалар ташкилоти раиси:**

— Ўз тенгдошларинг орасида етакчи бўлиш билан бирга, назаримда, уларнинг хоҳиш-истакларини яқиндан ҳис этиб, ҳал қилинишида оз бўлса ҳам нафим тегаётганидан хурсандман.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Халқ таълими бош бошқармаси билан ҳамкорликда ҳаракатимиз томонидан уюштирилаётган учрашувлар ёшларимизда катта таассурот қолдирмоқда. Бундай учрашувлар уларга бўлажак касбларини аниқлашга, орзулари сари интилишга бир туртки бўлиши ҳам мумкин. Демак, бу йўналишдаги амалий тадбирларга биз кўпроқ эътибор қаратишимиз керак бўлади.

**Мирзоҳид СОДИҚОВ,**
**Тошкент шаҳар Кенгаши депутати:**

— Ёшларимиз орасида интилувчан, зукко, билимдонлари кўплигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

9-10-синф ўқувчилари ҳали сайлаш овозига эга бўлмасаларда, уларнинг аниқ, теран фикрлари биз, депутатларни эртанги сайловчиларимиз бугунги кунгиларидан анча фарқли бўлишларини англатади. Демоқчиманки, ёшлар овозига кўпроқ қулоқ солишни ўрганишимиз, қолаверса фақат мақсад ва орзуларини ўрганиб қолмай, балки уларнинг амалга ошишида ёрдам қўлини чўзишимиз даркор. Тошкент шаҳар Кенгаши, шаҳар касаба уюшмалари бу борада изчил изланишлар ва амалий ишлар қилмоқда. Бироқ ҳаракатларимизни бирлаштириб, ишларимизни янада кучайтиришимиз керак.

**Ортиқжон ДЎСМУҲАМЕДОВ,**
**Миробод туманидаги 125-мактаб ўқувчиси:**

— Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб, ўзим учун кўп нарса кашф этдим, дея оламан.

Ўзбекистонда ёшларга кейинги ўн йил ичида эътибор жуда кучайтирилган. Биз билим олиб, камол топишимиз учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан мактаб ўқувчиларига Олий Мажлис ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги каби қонун чиқарувчи ва ижроия органлари иш фаолияти билан яқиндан танишиш учун имконият яратиб берилганини ёшларга билдирилган катта ишонч деб ҳисоблайман.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва депутатлар фаолияти билан танишув чоғида ёшларимиз томонидан жуда кўп таклифлар ва истаклар билдирилди. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ўз экскурсияларидан бирини «Оқшом» газеталари таҳририятига уюштириш ниятида.

**Тошкент шаҳар ҳокимлигининг**
**Матбуот хизмати.**

# ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

**Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Кенгашининг саҳифаси**

# Фахрийлар — фахримиз

***«Қари билганни пари билмас», «Қариси бор уйнинг зари бор», «Олтин олма, ота-онанинг дуосини ол» каби асрий ҳикматлар билан мўътабар отахонлар, оқила онахонлар донолик, бағрикенглик, меҳр-муҳаббат тимсоли сифатида халқимиз томонидан доимо улуғланиб келинган. Бу табаррук сиймоларнинг табаррук қадами етган жойга файз киради, уларга суҳбатдош бўлган кишининг дили равшан тортади.***

Козим ака Мақсудхонов — нуроний чеҳрали, меҳнатни саодатнинг калити, ҳаётининг мазмуни деб билиб, эл-юртда обрў-эътибор қозонган камтарин, теранлик билан мушоҳада қилиб, салмоқлаб сўзловчи донишманд, суҳбати мароқли дилкаш инсон. Бир корхона ёки ташкилотда умрини бағишлаб, узоқ йиллар ишлаган касбга садоқатли инсонлар бор.

Козим ака 1966-1997 йилларда энергетика ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар, вилоят қўмитаси раиси бўлиб, сайлаб қўйиладиган лавозимда 32 йил мобайнида тармоқ меҳнаткашларнинг ишончини оқлаб, пешона терини тўкиб, фидокорона меҳнат қилди. — «Дарахт бир жойда кўкаради», деган мақолга қатъий амал қилиб, унинг мевасидан баҳраманд бўлдим, дея хотирлайди Козим ака. — Кўплаб идоралардан масъул лавозимларга ишга таклиф этишди. Касбдошларимнинг меҳри, ўзим яхши билган, оддий ишчиларнинг раҳматини эшитишдек савобли, ардоқли иш мен учун ғоят азиз бўлиб, кўзим қиймаган... Козим ака иззат-икром билан пенсияга чиққач, кексалик гаштини суриб, мириқиб дам олиш ўрнига ёшларга мураббийлик қилиб, бой билими, тажрибасини сидқидилдан ўргатишни афзал деб билди. Ғайратли, жонкуяр отахон мана тўрт йилдирки, «Ўзбекгидроэнергоқурилиш» трестининг ўқувэнерго қурилиш корхонасига раҳбарлик қилиб, унинг кўплаб шогирдлари устознинг қимматли маслаҳатлари, доно ўгитларидан баҳраманд бўлмоқдалар. Мазкур ўқув даргоҳида ҳар йили бир ярим-икки минг нафар ёш бир ойлик, уч ойлик курсларда ишлаб чиқаришдан ажралган ва ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда янги касбларга ўқитилмоқда, ишлаётганларнинг малакаси оширилмоқда.

— Меҳнат фаолиятим давомида бешта болалар дам олиш оромгоҳи, дам олиш уйи, Чорвоқ, Хўжакент, Янги Ангрен электр станцияларининг бунёд этилишида ва қатор заводларни таъмирланишида фаол қатнашдим. Умр бўйи ҳалол ишлаб, камтарин хизматим юксак тақдирланди. Баъзилар умрим бекор ўтди деб қолишади. Вақтдек тенгги йўқ жавоҳирни ҳавога совурмаслик учун астойдил ишлаб, одамларга наф келтирилса, меҳнатнинг меваси ширин, ҳаёт мазмунли бўлади —дейди Козим ака. Бахтли хонадон соҳиби, эл меҳрига сазовор бўлган инсоннинг кўп йиллик, самарали хизмати юксак қадрланиб, «Ўзбекистон энергетикаси фахрийси», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган энергетик» каби унвонлар ва қатор фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

**Улуғбек ПЎЛАТОВ**

## Устувор вазифа

**Меҳнаткашларнинг қонуний ҳуқуқ ҳамда манфатларини ҳимоя қилиш касаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишларидан биридир. Бу борада «Технолог» очиқ акциядорлик жамиятида қатор муайян ишлар амалга оширилмоқда.**

«Яхши дам — меҳнатга ҳамдам» дейишганидек, ходимларни соғломлаштириш ва дам олдиришга катта аҳмият берилмоқда. Ўтган йил мобайнида санаторийларда имтиёзли йўлланмалар бўйича 8 киши соғлиғини мустаҳкамлади, дам олиш уйида 10 нафарга яқин киши ҳордиқ чиқарди. 120 нафар киши «Камалак» соғломлаштириш мажмуида, корхона меҳнаткашларининг 300 нафарга яқин фарзандлари эса имтиёзли йўлланмалар бўйича «Камалак» болалар соғломлаштириш оромгоҳида соғломлаштирилди.

Хайрли иш халқимизга хос фазилат. Бу борада ҳам корхонада баҳоли қудрат ишлар амалга оширилмоқда. Меҳнаткашларнинг фарзандларига 910 дона янги йил байрам совғалари бепул тарқатилди. 900 нафарга яқин ходимга моддий ёрдам кўрсатилди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олишлари учун 900 нафарга яқин ходимга моддий ёрдам берилди. Ўтган йил мобайнида 600 нафар ходим хусусан, 18 нафар аёлнинг меҳнат шароити ва меҳнатини муҳофаза қилиш яхшиланди. 18 та кўп болалик ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатилди. Жамоа шартномасига биноан қўшимча таътил учун ҳақ, ишламаётган меҳнат ногиронларига нафақа тўланди. Ўтган давр мобайнида ишчиларга махсус кийим-кечак сотиб олиш, даволаш-профилактика, овқатланиш учун маблағлар сарфланди.

Меҳнат аҳли тўғрисида ғамхўрлик қилиш фаолиятимизнинг диққат марказида бўлиб, бу борада ғайрат-шижоатимизни асло аямаймиз.

**Васила ҲОШИМОВА,**
**«Технолог» очиқ акциядорлик жамияти касаба уюшма қўмитасининг раиси.**



**«Тошкент тўқимачилик комбинати» очиқ турдаги акциядорлик жамиятида ишчи-хизматчиларнинг саломатлиги тўғрисида ҳам катта ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Жамиятнинг ўз санаторий-профилакторийси бор.**
**СУРАТДА: профилакторий ҳамшираси Шоҳида Раҳимова ва бемор Матлуба Усканова.**
**Муҳаммад Амин (ЎзА) олган сурат.**

**2002 — ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ**

# Ҳар томонлама ғамхўрлик

***Бу йил устувор вазифага айланган кекса авлод манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни қадрлаш ўз ичига кўп масалаларни қамраб олади. Бу борада шаҳримиздаги ҳар бир корхона ва ташкилот ўз махсус дастурини ишлаб чиқиб ҳаётга татбиқ этмоқда. Жумладан, шаҳримиздаги «Компрессор» акционерлик жамияти касаба уюшмаси қўмитаси томонидан ҳам меҳнат фахрийларини ижтимоий муҳофаза қилиш юзасидан кўпгина ибратли ишлар амалга оширилмоқда.***

— Авваламбор шуни айтиш керакки, фахрийларимизга ғамхўрлик ва кўмак кўрсатиш фақат қарияларни қадрлаш йилида амалга ошириладиган иш эмас, — дейди корхона касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Алишер Мирзақулов. — Уларни қўллаб-қувватлаш акционерлик жамиятимиз касаба уюшмаси қўмитасининг кундалик фаолияти қаторидан ўрин олган. Зеро, фахрийларнинг кўпчилиги ҳамон ўз қадрдон корхонасида меҳнат қилмоқда. Масалан, Виктор Шувалов «Компрессор»га ўз ҳаётининг 60 йилини бахшида қилди. У ҳамон сафда — корхона фахрийлар кенгашининг масъул котиби, касаба уюшмамизнинг фаолларидан биридир.

Албатта, қарияларни қадрлаш йилига мўлжаллаб, маъмуриятнинг кўмаги остида фахрийларни ижтимоий муҳофаза қилиш режаларини ишлаб чиқдик. Унга мувофиқ эҳтиёжмандларга моддий ёрдам кўрсатамиз, зарур дори-дармонларни харид қилиб уларга топширамиз. Байрамлар ва муборак кунларда нафақага чиққан фахрийларимизга пул мукофотлари ажратамиз.

Ҳозирда 8 март ва Наврўз байрамларига тайёргарлик кўряпмиз. Хотира ва қадрлаш кунига ҳам оз вақт қолди. Корхонамиз фахрийларининг деярли ҳар бири урушда қатнашган ёки меҳнат «фронти»да тер тўкканлигини ҳисобга олган ҳолда уларнинг барчасини тўкин дастурхонга, байрам концертига таклиф этамиз, совғалар топширамиз. Бу каби тадбирларимиз йил бўйи давом этади.

**(Ўз мухбиримиз).**

# Қаловини топсанг...

Касаба уюшмалар йирик, юксак салоҳиятга эга бўлган жамоат ташкилотларидан биридир. Меҳнат аҳлининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий ҳимоя, меҳнаткашлар ҳамда уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги каби қатор долзарб масалаларни ҳал этиш, хайрли ишларни амалга ошириш касаба уюшмалари фаолиятининг устувор йўналишларини ташкил этади.

Лекин афсуски, баъзида кўча-кўйда одамлар орасидаги суҳбатда касаба уюшмалари ҳали борми, деган савол кишини ўйлантириб қўяди. Нимани қидирсанг ўзингдан топасан деган ҳикматга, асосланиб, касаба уюшмалари фаолиятига назар солиш, атрофлича фикр юритиш орқали баҳоли қудрат жавоб топиш мумкин десак хато бўлмас. Касаба уюшма етакчиси, корхона, ташкилот, муассасада ходимлар ишониб сайлаган сардорнинг барчаси ҳам беш қўл баравар бўлмаганидек, савияси, жамоадаги обрў-эътибори бир хил эмас. Ҳар ким бу масъул ишни ўзича идрок этиб, ўз услубида ишлайди. Касаба уюшма етакчиси — бу амал эмас, корхона раҳбарининг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосари ёки ёрдамчиси ҳам эмас.

Жамоада сардор бўлишга интилиш — инсондаги ижобий хусусият. Лекин яхши ниятнинг ўзи бунинг учун кифоя қилмайди. Ўз билимини ошириш устида ишламаслик, қатъиятсизлик, жамоа фикри билан ҳисоблашмаслик, лоқайдлик, шахсий манфаатини кўзлаш каби нотўғри иш услуби эса касаба уюшма сардорининг обрўсига, айниқса, касаба уюшма ташкилотининг мавқеига салбий таъсир этади. Меҳнат жамоасида обрў-эътибор қозониш, ўз ўрнига, мавқеига эга бўлиш етакчининг ишчанлиги, жамоа қалбига йўл топа билиш, раҳбарият билан елкадош бўлиб аҳил ишлаши, муҳим масалаларни тажриба билимига суяниб қатъий ҳал эта билиш ва етук шахс сифатида шаклланишига боғлиқдир. Билим, тажриба эса изчил меҳнатнинг маҳсулидир. Кўпчиликнинг ихлосини қайтарган касаба уюшма сардори тез кунда назардан қолади, аксинча жамоанинг меҳрини қозонса, иши баракали, ҳурмат-эътиборга сазовор бўлади.

Дарёнинг икки қирғоғига мустаҳкам ўрнатилган кўприк устидан ўтиш бехавотир ҳисобланади. Таъбир жоиз бўлса, меҳнат жамоасининг дўстига, маъмуриятнинг ишончли ҳамкорига айланган жонкуяр етакчиларни азим дарё устидаги қудратли кўприкка қиёсласак тўғри бўлади.

Кези келганда айтиш керакки, бозор иқтисодиёти шароитида корхона касаба уюшма қўмитасига раислик қилиш анча мураккаб ишдир. Ҳозирги кунда етакчининг зиммасига кўплаб юмушлар юкланган бўлиб, касаба уюшма раҳбари ҳуқуқий жиҳатдан саводхон, иқтисод ва молия масалаларида билимдон бўлмоғи даркорлигини давр тақозо этмоқда. Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш касаба уюшмалари фаолиятининг эзгу нияти, муштарак мақсадидир. Айниқса кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш шароитида йирик жамоа ташкилоти сифатида касаба уюшмалари янги босқичга кўтарилмоқда. Давр фаолликни, изланишни, мушоҳада юритишни, атрофга янгича, кенгроқ қарашни талаб этади. Зеро, доно халқимиз «Ҳаракатда баракат» деб бежиз айтмаган.

**Ғайрат ЗУНУНОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг тадқиқотчиси.**

**ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА**

# Баҳорги чақириққа бағишланди

**Бир ойдан сўнг баҳорги чақириқ бошланади, жойларда эса бу йўналишда ишлар қизғин кетмоқда. Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Рустам Қурбонов олиб борган шаҳар чақириқ комиссиясининг навбатдаги йиғилиши айнан шу масалага бағишланди.**

Маълумки, ҳарбий хизматга чақирилувчи ёшлар махсус тиббий комиссия кўригидан ўтади ва унинг хулосалари асосида ёшларнинг айрим қисми муқобил хизматга жалб этилади. Шундай бўлса-да, баъзи ҳолларда Ўзбекистон Республикасининг «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Қонунининг бажарилишида камчиликларга йўл қўйилаётгани бу масалага комиссия йиғилишида алоҳида урғу бериб ўтишга асос бўлди.

Бу борада Олий Мажлиснинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари ҳамда Ёшлар ишлари қўмиталарининг махсус ишчи гуруҳи томонидан ўтказилган текширувлар натижасига кўра ҳам камчиликлар мавжудлиги аниқланган. Йиғилишда муқобил хизмат фаолияти ҳар томонлама муҳокама қилиниб, уни тартибга келтириш, хусусан, «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Қонун талабларига асосан корхона ва ташкилотлар томонидан муқобил хизматни ўтовчилар учун иш жойи ажратилиши шартлигини инобатга олган ҳолда дастлаб шартномалар тузилишини йўлга қўйиш чоралари белгилаб олинди.

Бундан ташқари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига ва туман ҳокимликларига Муқобил хизмат бошқармаси талабномалари бўйича муқобил хизмат ўташ учун иш жойлари миқдорини аниқ ажратиш лозимлиги, Соғлиқни сақлаш бош бошқармасига бу йўналишдаги ишлар доирасида тиббий ходимлар малакасига эътибор қаратиш ҳамда тиббиёт муассасалари тегишли тиббий ашёлар билан тўлиқ таъминланиши зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Матбуот хизмати**

# ПОЙТАХТ БОҒЛАРИ ЯНГИ МАВСУМГА ТАЙЁРМИ?

**Тошкент шаҳар ҳокимлигида маданият ва истироҳат боғлари раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган йиғилиш ана шу мавзуга бағишланди.**

Шуни айтиш керакки, шаҳар иқлими шароитларидан келиб чиққан ҳолда маданият ва истироҳат боғлари қишки «уйқу»га кетмайди — улар доимий тарзда фаолият юритади. Лекин декабрдан февраль ойигача боғлар ҳудудида ободонлаштириш, тозалаш, кўкаламзорлаштириш ҳамда таъмирлаш ва қурилиш ишлари қизғин давом этади.

Бу йилги боғлар мавсуми ҳар сафаргидек 15 мартдан — Наврўз байрами олдидан бошланиши лозим. Бироқ, уларнинг ҳаммаси ҳам ҳамшаҳарларимизни қабул қилишга тайёрми?

Шаҳар Маданият ишлари бош бошқармаси маълумотига кўра, барча боғларда ҳам тайёргарлик ишлари маромида ва тўлиқ олиб борилмаётган экан. Бугунги кунда шаҳарда 12 та дам олиш масканлари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳудуди 300 гектарга яқин яшил майдонни ташкил қилади, яъни шаҳарликларнинг дам олиш кунлари бемалол ҳордиқ чиқариши учун бу етарли даражада ҳисобланади, лекин агарда 12 та боғ бир хилда ва барқарор фаолият юритса. Аслида эса...

Кейинги йилларда «Боғи Эрам» боғи, Алишер Навоий номидаги Миллий боғ ҳудудлари анча кенгайтирилди, Бобур ва Мирзо Улуғбек боғлари таъмирдан чиқди. Шунга мувофиқ, бу боғлар аҳолининг севимли дам олиш масканларига айланиб қолгани шубҳасиз. Афсуски, шаҳардаги маданият ва истироҳат боғларининг айримлари ҳаттоки ёз пайтида ҳам аҳоли эҳтиёжини қондиришга қодир эмас. Миробод, Мирзо Улуғбек, Акмал Икромов туманларидаги турар-жой мавзелари, яъни аҳоли зич бўлган жойлардаги Фурқат ва Акмал Икромов номларидаги боғлар, Зафар Диёр, «Гулшан» боғлари ҳануз ночор аҳволда — ўйингоҳлари ҳам, фавворалари ҳам йўқ, ҳудудлари ободонлаштирилмаган... Тўғри, бу муаммоларнинг ечими биринчи галда маблағ билан боғлиқ. Бироқ, бугунги бозор иқтисодиёти шароитлари барчага баробар ва ҳар бир раҳбардан, шу жумладан, боғлар директорларидан ҳам, авваламбор ташаббускор ва озгина бўлсада ҳам тадбиркор бўлишни тақозо этишини унутмаслигимиз лозим. Масалан, Мирзо Улуғбек номли маданият ва истироҳат боғини ижобий мисол тариқасида келтириш мумкин. Бундан ташқари, янги мавсумни «Оймома» болалар боғи ҳам кўп янгиликлар билан кутиб олишга ошиқмоқда.

Усмон Носир номидаги боғ эса келажакда иккинчи «Тошкентленд» бўлиши муқаррар — бу ерда ҳозирда тўрт нафар инвесторлар фаолият бошламоқда.

Ўзига яраша муаммолари мавжуд бўлса ҳам, ҳайвонот боғи янги мавсумга талай лойиҳалар тайёрлаб қўйган. Қолаверса, ҳайвонот боғи раҳбари Олим Расулевнинг айтишига қараганда, Халқ таълими бош бошқармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ёрдамида боғ ҳудудида экология, ботаника, табиатшунослик фанлари бўйича очиқ дарслар уюштириш режалаштирилмоқда. Миллий университет билан ҳамкорликда ҳайвонот боғи қошида орнитолог, травматолог ва герпетолог мутахассисларини тайёрлаш бўйича ўқув ва илмий негиз яратиш режалаштирилган.

Демак, ишласа бўлар экан. Фақат муҳими истак ва ташаббус керак.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

# Ўзбекистон энергетикаси мустақиллик хизматида

***Ҳозирги кунда Ўзбекистон халқ хўжалигининг ҳеч бир тармоғини, кундалик турмушимизни электр энергиясисиз тасаввур қилиш қийин. Уйимизга, кўчаларимизга ёруғлик бериб турган электр энергияси ҳаётимизга шу даражада кириб борганки, усиз ҳаётимиз орқага кетаётгандек бўлади.***

***Мамлакатимиз барча соҳа истеъмолчиларини, аҳолисини узлуксиз электр энергия билан таъминлаб келаётган Ўзбекистон энергетика тизими республика халқ хўжалигининг асосий соҳаларидан бири бўлиб қолди.***

Шу билан биргаликда, Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси энергетикасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш тўғрисида»ги 2001 йил 22 февраль Фармони энергетика соҳасида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, энергетика тармоқлари корхоналарини бошқаришни такомиллаштириш ва уларнинг иш самарадорлигини оширишни ҳамда шу асосда мамлакат энергетика тизимининг барқарор ишлашини таъминлашни, иқтисодиёт ва аҳолининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини қондиришни асосий йўналиш қилиб белгилаб берилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурдир.

Ўзбекистон энергетикаси ҳақида гапирар эканмиз, тарихга бир назар ташлаб, бу соҳа Ўзбекистонда қачон пайдо бўлган, уни ривожланиш босқичлари, ҳар бир босқичда ундан фойдаланиш мақсадлари қандай бўлганлиги ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак мақсадга мувофиқ бўлади.

1909 йилда Тошкент шаҳар управаси шаҳарда биринчи трамвайни электр энергияси ёрдамида юргазиш мақсадида Бельгиянинг ҳиссадорлик жамияти билан шартнома тузди. Шартномага биноан Бельгия ҳиссадорлик жамияти иштирокида Тошкентда биринчи 1450 киловатт кучга эга бўлган дизелли электр станцияси қурилди ва трамвайни юргазиш учун электр энергияси бера бошлади.

Шундан сўнг Тошкентдаги мустамлакачи амалдорлар уйини ёритиш мақсадида 125 киловатт кучга эга бўлган кичкина (Павловский деб аталган) электростанция ҳам қурилиб ишга туширилди. Шунингдек, бу йилларда шаҳарда маҳаллий майда электростанциялар ҳам ишлаб турар эди. Лекин Туркистон шаҳарлари ва қишлоқ аҳолиси хонадонларини ва турмуш тарзини электрлаштириш ҳақида гап бўлиши мумкин эмасди. Қишлоқда ягона бўлган кичкинагина электростанция ҳам оқ подшоҳга тегишли бўлиб, Мурғоб водийсида жойлашган Байрамали подшо имениясиси учун хизмат қилар эди.

1913 йили ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида жойлашган электростанцияларнинг умумий қуввати 3 минг киловаттни ташкил қилган бўлиб, 3,3 миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарар эди.

Ўтган асрда Ўзбекистонни электр энергияси билан таъминлаш, саноатни электрлаштириш мақсадида бир қатор гидроэлектрстанциялари ва иссиқлик электростанциялари қурилди.

Чунончи, Ўзбекистон халқларининг фидокорона меҳнати билан 1926 йилнинг май ойида Тошкент шаҳри яқинида, Бўзсув каналида Ўзбекистон энергетикасининг тўнғичи — Бўзсув ГЭСи ишга туширилган эди.

Сўнгра, халқимизнинг бунёдкорлик меҳнати натижасида Ўзбекистонда туркум электр станциялари бунёд этилди. 40-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ўзбекистон энергетикасида иссиқлик энергетикасини ривожлантиришга асосий эътибор қаратилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон энергетика тизими, умумий ўрнатилган қуввати 11 миллион киловаттдан ортиқ бўлган 37 та иссиқлик ва гидравлик электр станцияларида ҳар йили 55 миллиард киловатт-соатдан зиёдроқ электр энергияси ишлаб чиқариш имкониятига эга.

Ўзбекистонда ҳозирги пайтда ҳар хил кучланишдаги электр тармоқларининг умумий узунлиги 232 минг километрдан ҳам ортиб кетган.

Ўзбекистоннинг иссиқлик энергетикаси ўзининг ёқилғи-энергетика ресурслари базасида фаолият юритмоқда. Йирик иссиқлик электростанциялар, жумладан, қуввати 3 миллион киловатт Сирдарё ГРЭСи, қуввати 2,1 миллион киловатт Янги Ангрен, қуввати 1,86 миллион киловатт Тошкент, қуввати 1,25 миллион киловатт Навоий ГРЭСи республикамизнинг асосий электроэнергетика манбаи ҳисобланади. Уларнинг умумий энерготизим қувватидаги улуши 87 фоизни ташкил этади. Иссиқлик электростанцияларида 150 дан 300 минг киловаттгача қувватга эга бўлган 30 та энергоблок ўрнатилган.

Ўзбекистон гидроэлектростанциялари асосан каскад режимида ишлайди. Улар комплекс энергия таъминоти ва ирригация вазифаларини ҳал этиш билан нисбатан арзон ва экологик жиҳатдан тоза электр энергиясини ишлаб чиқаришни таъминлайди. Айни пайтда қуввати 620,5 Мвт бўлган Чорвоқ ГЭСи, қуввати 165 Мвт бўлган Хўжакент ГЭСи, қуввати 126 Мвт бўлган Фарҳод ГЭСи қуввати, 120 Мвт бўлган Ғазалкент ГЭСи республикамиздаги энг йирик гидроиншоотлар ҳисобланади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон энергетика тизими ривожининг ҳамма босқичларида фан ва техника ютуқларини, илғор янги техника ва технологияларни, телемеханика ва телебошқарувни, технологик жараёнларни автоматлаштиришни, ускуналарни бошқариш ва уларнинг ҳолатини аниқлаб беришнинг автоматлаштирилган тизимларини тадбиқ қилишга, ҳамда аварияларнинг олдини олишга қаратилган автоматика тизимлари, алоқа ва телемеханика воситалари қурилмалари мажмуасини такомиллаштириб боришга катта аҳамият берилмоқда.

Натижада, Сирдарё ва Янги Ангрен ГРЭСлари лойиҳаларига кўра энергетика блокларидаги технологик жараёнларни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимлари ишга туширилган. Тошкент ГРЭСида блокларда ва станцияда технологик жараёнларни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими муваффақиятли ишлатилмоқда.

Шунингдек, «Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компаниясида ўз ичига 11 бўлинма бўйича 400 масалани олган кўп даражали автоматлаштирилган бошқарув тизимининг иккинчи навбати фойдаланишга топширилди.

Иссиқлик энергетикасини ривожлантириш янги электр энергия қувватини яратиш билан бирга мавжуд қувватларни қайта таъмирлаш ва янгилаш мақсадида хорижий инвестицияларни кенг жалб қилган ҳолда ва етакчи чет эл фирмалари иштирокида амалга оширилмоқда. Германиянинг «Сименс» фирмаси Европа тикланиш ва тараққиёт банки ажратган кредит ҳисобидан Сирдарё ГРЭСининг иккита энергоблокини таъмирлашга киришди ва 8 блокни таъмирлаш муваффақиятли якунланди. Ўзбекистон энергетикаси учун Навоий ва Тошкент ГРЭСларини таъмирлаш, Муборак иссиқлик энергетика маркази ва Тошкент шаҳар электр тармоқларини янгилаш муҳим вазифа ҳисобланади.

Электроэнергетикани сифатли ишлатиш ва ривожлантиришга ёрдам берувчи муҳим омил ушбу соҳада халқаро корпорацияни кучайтиришдан иборат. Ўзбекистон энерготизимининг Марказий Осиё Бирлашган энерготизимидаги улуши 40 фоизни ташкил этади. Республикамиз электр тармоқлари орқали электр энергияси Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистонга узатилмоқда. Кейинги йилларда Ўзбекистон энергетика ходимлари жаҳоннинг кўплаб мамлакатлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатди.

Натижада Ўзбекистон бир қатор нуфузли халқаро энергетика ташкилотлари, жумладан, Европа Энергетика Хартиясига аъзо бўлди.

Энергетика соҳаси динамик тузилма бўлиб, республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларга уйғун тарзда ривожланмоқда. Соҳани реструктуризациялаш изчил олиб борилмоқда.

Мамлакатимиз Президентининг «Ўзбекистон Республикаси энергетикасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш тўғрисида»ги Фармонига асосан «Ўзбекэнерго давлат — акциядорлик компанияси («Ўзбекэнерго ДАК») ва мустақил электр энергетикада назорат бўйича давлат агентлиги («Ўздавэнергоназорат» агентлиги) ташкил этилиши энергетика соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг янги босқичига асос солди.

Бугунги кунда энерготизимининг корхоналари очиқ турдаги акциядорлик жамиятига айлантирилмоқда. Ҳозирда энергетика соҳасида рақобатчилик муҳитини шакллантиришга хизмат қилиши лозим бўлган чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилган ва у изчил амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун ишончли энергетика базаси яратилиб, ҳақиқий энергетика мустақиллиги таъминланди.

Эндиликда Ўзбекистон энергетика тизими республика халқ хўжалиги ва аҳолисини электр ва иссиқлик энергиясига бўлган эҳтиёжини тўла-тўкис таъминлаб республика иқтисодиётини янада ривожлантиришга улкан ҳисса қўшиб келмоқда.

**Санжар ҚОДИРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси.**

Ўлкамизга ҳадемай гўзаллик даракчиси, баҳор байрами Наврўзи олам кириб келади
Шоир куйлаганидек:

**Қуёш тиғи авжига миниб ниҳоят,**
**Қитиқласа куртак бағрин эркалаб,**
**Камалак рангига бўялиб ҳаёт,**
**Кўз ўнгимда қатра шабнам ялтираб**
**Баҳор кезади.**

Дарҳақиқат, сизни ва бизни, йигит ва қизни, ёшу кексани, хуллас, барча ҳазрати инсонни навқиронлик, гўзаллик шодиёнаси чорламоқда. Ҳадемай оламга жон кириб борлиқни турфа чечакларнинг муаттар ҳиди тутиб кетади. Она табиат гуё янгидан туғилгандек бўлиб, бутун борлиқ — поёнсиз далалар, мевазору боғлар ўзгача либос кийиб, ўзгача тароват касб эта бошлайди. Сахий тупроқ бағридан типирчилаб, энтикиб майсалар униб чиқади. Шовиллаб оқаётган анҳор лабларидаги кўк ялпиз, тўда-тўда бўлиб очилган бинафшалар ҳар бир дилни мафтун этиши аниқ. Булар Наврўзнинг оразн, гулгун чеҳраси, саодатли ўлкамизнинг жамолидир. Баҳор байрами. Уни бутун жонли мавжудот, бутун табиат орзиқиб кутади. Уни қалдирғоч парвози, шалдироқ сув овози ва тоғу далалар, ясанган бахмал кўкат ҳамда чечаклар нози байрами ҳам дейдилар.

**Бу кун олам гулгун**
**либосга бурканиб,**
**Камалак рангида**
**жилоланади...**

Наврўз байрами ғоят қадимий ва оммавийдир: уни шарқ ва Ўрта Осиё халқлари ҳанузгача навқиронлик, бахтиёрлик рамзи сифатида ардоқлаб келмоқдалар. Ўнинчи асрда яшаб ижод этган тарихчи Абу Бакр Муҳаммад Ибн Жаъфар Наршахий ўзининг «Бухоро тарихи» асарида қадимдан аждодларимиз Наврўзни йилбоши сифатида сайил қилиб, нишонлаб келганликларини қайд этиб ўтади.

Аслида Наврўз илми нужум қонуниятлари билан боғлиқдир. Негаки, 21-22 мартда кеча ва кундуз тенглашади, кунлар аста-секин узаяди. Қуёш ҳамал буржига қадам қўяди. Янги йилнинг бошланиш даври ҳисобланган бу кунни кўпгина халқлар, элатлар шоду ҳуррамлик билан байрам қилганлар. Қушлар хонишидан дилрабо, жозибали, ажиб дилкушо мусиқийлик авж олади. Бойчечак баҳорни муборакбод этиб, инсон йўлига чиқади. Хотин-қизлар хонадонларга тўпланиб сумалак пиширганлар, сўнгра саҳардан сумалакни маҳалла бўйлаб уйма-уй улашиб чиқишган. Бу шодиёна 15-20 кун давом этган. Қизларнинг гул юзларида Наврўз гўзаллиги, йигитларнинг кўксида эса Наврўз севинчлари намоён бўлган:

## НАВРЎЗИ ОЛАМ ЯҚИН

# ГУЛБАҲОРНИНГ ГЎЗАЛ АЙЁМИ

### Ҳар тунунг қадр ўлубон, ҳар кунунг ўлсин Наврўз...



**Боғлар безанди гулгун,**
**Кўрган бўлади мафтун,**
**Гул базмини кўриш-чун**
**Наврўзи олам келди.**

Бу кунларда ёшу кексаларга совға-саломлар улашилади, марҳумларни хотирлайдилар, ҳовли-жойлар орасталаниб, яхши ният билан дарахт кўчатлари ўтқазилади. Ватанимиз бўйлаб ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари тобора авж олади. Маҳаллаларда оммавий ҳашар ўтказилиб, жамоат жойлари, кўчалар, мактаб ва боғчалар атрофлари янада обод қилинмоқда. Наврўз куни Қашқадарё, Сурхондарё, Самарқанд, Жиззах ва Навоий вилоятлари аҳолиси кўм-кўк ўт-ўланлар билан қопланган қир-адир ва тепаликларга, боғ-роғларга, Сайилгоҳларга чиқиб турли кўнгилочар ўйинлар билан машғул бўлганлар, хушчақчақ суҳбатлар қурганлар, табиат бағрида сайр этиб, мазмунли ҳордиқ чиқарганлар. Бу улуғ айём куни хотин-қизлар ҳам гўзал табиат каби ёшариш ва безаниш учун Наврўз сайлига атаб махсус янги кийим-кечаклар, сернақш кашталар ва рўмолчалар тайёрлаганлар. Шу куни улар ўзларининг энг азиз орзу-ниятларини ўртага солганлар, матал ва эртаклар айтишганлар, қиз ва келинчаклар ўсма ва сурма қўйишиб, мазмундор лапарлар, қўшиқлар ижро этганлар. Доира садоларига ўйнаб бир-бирларининг маҳоратларини синашган.

Юртбошимиз айтганидек, «Наврўз ҳаёт абадийлигининг, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саховатининг, шу билан бирга, бизнинг неча минг йиллик миллий қиёфамизнинг, урф-одатларимизнинг мангулик ифодаси, тасдиғидир».

Аждодларимизнинг бу ажойиб анъанаси бизнинг кунларимизда замон талаби билан янгича мазмун касб этиб, уни ўтказиш доираси янада кенгайди. Ҳозирда у меҳнат, ижод тантанасига айланиб, мазмуни ва моҳияти билан бойиб бормоқда. Бобокалонимиз буюк мутафаккир олим Абу Али ибн Сино айтганидек, Наврўз — гулбаҳорнинг дохил айёмига айланди. Миришкор боғбонларимиз, уста деҳқонларимиз шу айём кунларида мўл ҳосил яратиш учун завқ-шавқ билан ишга киришмоқдалар. Бугун меҳнат шодиёналари Наврўз сайли билан уйғунлашиб кетди.

**Боғлар жамолига тўймай боқар кўз,**
**Бугун бахт ва баҳор таърифида сўз,**
**Дилни сурур билан тўлдирган байрам**
**Гул фасли муборак айёми Наврўз!**

Бахт ва шодлик, тинчлик ва осойишталик, мўл-кўлчилик ва фаровонлик тимсоли, гул фасли дилрабо Наврўзни хуш кутиб олайлик.

**Рашид БОЙТУЛЛАЕВ**

---

ҚАРОР ВА ИЖРО

# *Халқ саломатлигини асраш йўлида*

***Мамлакатимизда мустақилликка эришилган дастлабки йиллардан инсон манфаатларини муҳофаза қилиш, саломатлигини асраш, қадр-қимматини эъзозлаш давлатимиз раҳбари Ислом Каримов юритаётган изчил сиёсатнинг устувор йўналишига айланди. Бу борада, айниқса, тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ишлар эътиборга сазовордир.***

Кўплаб янги шифо масканларининг қурилиши, уларнинг замонавий технологиялар билан жиҳозланиши, мутахассислар билим ва малакасини юксалтириш, халқ ишонч-эҳтиромига сазовор бўлган шифокорларнинг ўз қобилиятини намоён этишига имкон яратилиши ислоҳотларнинг асосини ташкил этади. Шунингдек, даволаш-профилактика муассасаларининг босқичма-босқич пулли хизмат кўрсатишга ўтишини таъминлашга қаратилаётган эътибор соҳада тадбиркорликни ривожлантириш билан бирга хизмат кўрсатиш сифати ва савиясини яхшилаб, шифокорлар ўртасида рақобат пайдо бўлишига йўл очмоқда.

Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорида белгиланган вазифалар ҳаётга татбиқ этилиши натижасида бугунга келиб кўплаб хусусий шифо масканлари фаолияти йўлга қўйилаётганлиги эътиборга моликдир.

Тиббиёт фанлари номзоди, малакали шифокор Шуҳрат Шайхов узоқ йиллардан бери ушбу соҳада меҳнат қилиб, эл ишонч-эътиборига сазовор бўлиб келаётган изланувчан замондошларимиздан. Аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш йўлида аждодлар анъаналари ва буюк табиблар ўгитларига амал қилиб, айни пайтда замонавий медицина ютуқларини ҳаётга тадбиқ этиб келаётган ҳаким тиббий хизмат кўрсатишнинг янги йўналишига ўтишга қарор қилди. Унинг ана шундай саъй-ҳаракатлари натижаси ўлароқ ташкил этилган хусусий шифохонаси бир йўла ўнлаб беморга хизмат кўрсатишга мўлжалланган.

— Шифохонада даволашнинг замонавий услублари ва воситаларидан самарали фойдаланиш билан бирга халқ табобати қоидаларига ҳам кенг амал қилинади, — дейди Ш. Шайхов. — Таъкидлаш жоизки, халқ табобатида бемор дардига шифо топишда учта йўналишга асосий эътибор қаратилади. Яъни, даволанаётган инсон организми муолажадан ҳеч қандай зиён кўрмаслиги керак. Шунингдек, бемор шифо воситаларидан тез наф топиши ва бу жараёнда моддий қийинчиликка учрамаслиги ҳам назарда тутилади. Негаки, турли ташқи таъсирлар туфайли танасида оғриқ сезиб шифокорга мурожаат этишга мажбур бўлган беморларнинг кўпчилигида жиддий дард бўлмайди. Бундай вазиятда қолган инсоннинг ҳақиқий аҳволини тез ва тўғри англаб етиш шифокордан жуда катта масъулият, билим ва тажриба талаб этиши табиий. Зеро, мамлакатимиз тиббиёт тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида умумий амалиёт шифокорларини тайёрлашга берилаётган эътибор замирида ҳам ана шундай талабга жавоб берадиган мутахассисларни тарбиялаш вазифаси ётибди.

— 1987 йилдан буён хусусий шифокорлик амалиёти билан ҳам шуғулланаман, — дея мулоҳазаларини давом эттирди шифокор. — Жарроҳ сифатидаги дастлабки фаолиятим эса институтнинг тўртинчи курсида ўқиб юрган пайтларимда бошланган эди. Ўшанда 1-шаҳар клиник шифохонасида навбатчилик қилардим. Ўқиш жараёнида олган назарий билимларимни амалиёт билан боғлаш мақсадида ўткир аппендицит касаллиги билан оғриган беморнинг операциясини марҳум устозим, профессор Жовдат Каримов раҳбарлигида муваффақиятли амалга оширдим. Бу менинг жарроҳ сифатидаги дастлабки қадамим эди. Ўтган йиллар давомида инсон ички аъзоларида учрайдиган хасталикларни амбулатория шароитида аниқлаб, ташҳис қўйиш ва даволаш масалаларига бағишланган тадқиқотлар олиб бордим.

Мана шундай изланишлар натижасида баъзи бир касалликларни тез ва самарали даволаш услублари яратилди. Масалан, инсон организмида йирингли яралар пайдо бўлиши тез-тез такрорланиб турадиган ҳол. Лекин, бундай дарддан халос бўлиш, айниқса, унинг асоратини бутунлай бартараф этиш оғир жараён. Шуҳрат Шайхов узоқ йиллик тажрибасидан келиб чиқиб бундай хасталикни амалдаги даволаш усулидан тез тузатиш мумкин эканлигини исботлади.

Бугунги кунда аҳоли орасида ошқозон, ўн икки бармоқ ичак яраси касалликлари тез-тез учраётгани сир эмас. Айниқса, ўсмирларда ҳам бундай ҳолатнинг қайд этилаётгани шифокорларнинг ташҳис қўйиш қобилиятини янада оширишни тақозо этади. Бинобарин, соғлиғидан шикоят қилиб, тушкун кайфиятда ёрдам сўраб келган беморнинг хасталиги сабабини ўрганиб, дардига даво топа олиш учун ҳаким ниҳоятда зукко бўлиши керак. Акс ҳолда беморнинг кўнглига йўл топиб, ташҳис учун ўта муҳим маълумотларни олиш мушкул бўлади. Буюк ҳаким Буқрот: «Табобат ҳамма санъатлар ичида энг олижаноб санъатдир», — деганида ана шундай масъулиятли жараённи назарда тутган бўлиши табиий.

Тошкентнинг Қорасарой даҳасида жойлашган «Шуҳрат Ислом Шайх» шифохонасида беморлар узоғи билан ўн кунда шифо топади.

— Бу жараёнда халқ табобатидан фойдаланиш самараси яққол кўзга ташланади, — дейди шифокор. — Чунки табиий гиёҳлар инсон организми фаолияти тез йўлга тушишини таъминлайди. Айтиш жоизки, табиат неъматларидан ҳам ўз ўрнида фойдаланиш лозим. Бундай даво воситалари 7-10 кундан ортиқ қабул қилинганда салбий оқибатларга олиб келиши амалиётда тез-тез кузатилади. Ушбу муддатдан кейин ҳам бундай муолажага эҳтиёж сезилса, аввал фойдаланилаётган гиёҳлар ўрнига янгиларини истеъмол қилиш тавсия этилади. Яъни, инсон мижозининг эътиборга олиниши халқ табобати усулида даволашнинг аҳамиятли жиҳати ҳисобланади.

Табибларимиз ота-боболаримиздан қолган энг эзгу анъаналарга амал қилган ҳолда беморнинг ҳақиқий ҳолатини англашга чин дилдан киришадилар. Бу жараёнда уларга ҳис-туйғулари яқиндан ёрдам беради. Шифокорларимизнинг барчасида ҳам бундай тажриба бор, дейиш қийин. Шунинг учун касалликка ташҳис қўйишда лаборатория ва турли тиббий асбобларда ўтказиладиган мақсадли текширувларга таяниб иш юритилади. Бундай услуб эса шифокорнинг клиник ташҳисини ойдинлаштириш учун хизмат қилиши керак.

— Умуман олганда барча яралмишлар ичида олий хилқат ҳисобланган инсон вужудига жуда юксак илоҳий қудрат ато этилган, — дейди суҳбатдошимиз. — Ҳакимлик тажрибамдан шуни ҳам айтишим мумкинки, одамзод организми худо берган имкониятлари асосида унча-мунча дардларни енгиб, қайта тикланиш, соғ-саломат умр кечириш хусусиятларига эга. Фақат бу жараёнда биз, шифокорлар уларга ҳам руҳий, ҳам жисмоний жиҳатдан мададкор бўлишимиз керак, холос...

**Баҳор ҲИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

---

НАЗМ



**• Абдуғани Сулаймон ўғли умрининг катта қисмини тақдир тақозоси билан хорижда ўтказган. Асли андижонлик. Қозоқ, қирғиз, уйғур тилларида кўплаб шеърлари матбуот нашрларида эълон қилинган.**

**— Қирқ йил она юртимни соғиниб яшадим. Истиқлол даврида уни кўриб турганимдан ғоят хурсандман, — дейди у юрак ҳаяжонини изҳор этиб.**

**Қуйида унинг ижодига мансуб тўртликларни «Оқшом» муштарийлари диққатига ҳавола этмоқдамиз.**

# Тўртликлар

**Туйқус севгидан қўрқ, куйиб қолмай деб,**
**Яратгандан қўрққин мушрик бўлмай деб.**
**Андиша келуркими Ҳақ раҳматидан**
**Виждон чун жондан кеч номард бўлмай деб.**

* * *

**Меҳнат терингдан топган ҳалол бойлик ўлмайди,**
**Олиб қочган ўғри ҳам қўлга тушмай қолмайди.**
**Ҳаром илашган дунё, ёмон йўлда пуч бўлар,**
**Уни топган эгасининг боши дардга дуч бўлар.**

* * *

**Бу дунёда ҳаммадан жони пишиқ умиднинг,**
**Дард ичга солиш сабаб, умри қисқа сукутнинг.**
**Ўлимдан ўзгаси-ўйин, сукут, ғамга тўлмагин,**
**Умид ўлмас то абад, ҳеч ноумид бўлмагин.**

* * *

**Бу ҳаётда ҳамма нарса гоҳо қарз, гоҳо қасос,**
**Бу азал яралмишдир шундай солинган асос.**
**Қилмишидан қидирмишлар аждоддан бизга қолган,**
**Ерга арпа экиб кимса, қай замон буғдой олган?!**

* * *

**Бия тойчоғин суяб югуради доимо,**
**Товуқ жонин аямай, жўжасигадир фидо.**
**Ҳақ юракларга солган, меҳр агар бўлмаса,**
**Шодлик, муҳаббату бахт қайдан бўлади пайдо.**

* * *

**Ўрта юрган паст овозли камтарни, Ҳақ ҳурматлар,**
**Гердайганни, такаббурни, Ҳақ дўст тутмас**
**ҳам лаънатлар.**
**Яхши дўст айбинг кечириб, бергандай ҳар**
**дам мадад,**
**Оллоҳ дўстлигига етсанг, келар сенга зўр омад.**

* * *

**Илмингни эл кўрмагунча мадҳия изҳор қилмас,**
**Уруғ ердан унмагунча парвариш даркор бўлмас.**
**Ўтирсанг гул гулзор ичра, эл кўнгли шод бўлур, бил,**
**Маърифатни чин эгаллаб, юртингга шон келтиргин.**

* * *

**Тавозе қила билсанг, иззат, обрўйинг ортгай,**
**Тажангу катта зангдан улус ўзини тортгай.**
**Тик ғўдайган дарахтни кесиб ўтингга сотғай**
**Эгилган, мева қилган боғбонга дуо айтгай.**

* * *

**Туғилар онадан бир нечта фарзанд,**
**Илҳомдан сўздаги ширин болу қанд,**
**Онага азиздир ўз жигар дилбанди,**
**Шоирга қадрли шеърнинг ҳар банди.**

* * *

**Оламдан ўтса гар бир нодон киши,**
**Қавмлари йиғлайди, дўст-ёри билар.**
**Дунёнинг донодан жудо бўлиши,**
**Мағрибу машриқни ларзага солар.**

* * *

**Китоби чиққан истеъдодни эл танийди,**
**Улгурмаса чиқаришга сал танийди.**
**Ёзганин вақтида тақдим этсаю,**
**Элнинг раҳматини олса қанийди.**

* * *

**Олам абадий, чексиз жонзот умри чоғлиқ,**
**Кўз очиб юмгунчалик лаҳзаларга у боғлиқ**
**Тақдир жарроҳи бир кун тиғ уриши муқаррар,**
**Ўлимга чора қилган Луқмон ҳам ожиз қолар.**

**Абдуғани СУЛАЙМОН ўғли.**

---

САНЪАТ

# Ижодий имтиҳон

Ўзбекистон Давлат академик Катта опера ва балет театрининг истеъдодли солисти Саида Мамадалиева ўз ширали овози билан мухлисларга яхши танилиб қолди. Ижрочилик маҳорати учун у «Ниҳол» республика давлат мукофоти совриндори бўлди.

Умидли ёш артист яқинда навбатдаги жиддий ижодий имтиҳондан яхши ўтди. Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваториясининг катта концерт залида уюштирилган мусиқа кечасида қатнашиб, опера жанри арияларини маҳорат билан куйлади.

Ёш композитор Ойдин Абдуллаева яратган «Садоқат» опера-ораториясидаги Зулфия партияси унга ишонч билан топширилди.

Ҳамид партиясини эса республика танловининг совриндори Убайдулло Аҳмаджонов ижро этди. Мусиқа кечасида Алишер Навоий ғазалларига басталанган қўшиқлар ҳам бу ёш солистлар томонидан ижро этилди.

**Акбар АЛИЕВ**

---

ЎЗБЕК АДИБЛАРИ — «ОҚШОМ» УЧУН

**Муҳаммад АЛИ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси.**

# УЛУҒ САЛТАНАТ

## Тарихий романдан боблар

**(Давоми).**

Девлар билан олишиб ғолиб чиққан паҳлавонлар, уч бошли аждарҳонинг учала бошини ҳам кесиб, у асир қилган пари пайкарни қутқариб кейин унга уйланган шаҳзода, Дажжолни ўлдирган баҳодир, ялмоғиз кампирни мот қилган йигит, куёвлар мусобақасида ютиб чиқиб, малика соҳиби бўлган ўғлон Алпомишу Барчин, Тоҳир-Зуҳра, Лайли Мажнунлар қиссаси... Тинглаганда у шундай берилиб кетардики, эртак қаҳрамонлари билан бирга куйиб-ёнарди, қувонарди, изтироблар чекарди. Текина хотун набирасининг шундай ҳолатларга тушишини ёқтирар, самимий ҳаяжонланганларини кўриб завқланар, боз-боз қизиқ чўпчаклардан сўйлаб берар эди. Жаҳонгир Мирзо узоқ вақт эшитганлари таъсирида қолар, тушларида бари билан учрашиб, жангу суронларда аралашиб юрарди.

Бир ажойиб эртакни Жаҳонгир Мирзо жуда ҳам ёқтиради, уни бибисига такрор-такрор айттиргани эсида... Хоразмлик бир мард йигит севикли ёрини Палаҳмон дев қўлидан озод қилибди ва юртига йўл олибди. Дев уларни қувишга тушибди. Палаҳмон девга бораётганда ҳазрати Ҳизр пайдо бўлиб, мард йигитга учта от қилидан берган ва: «Буларни йўқотма! Қийин аҳволда қолганингда биттасини олиб тутатсанг бир от учиб келади» деган экан. Ўша қилларнинг охиргиси қолган экан. Йигит тез қилни тутатибди. Шу ондаёқ чуқур дулдул от пайдо бўлибди. Дулдул тилга кириб: «Устимга мининглар!» дебди. Йигит билан қиз отга минибдилар. Дулдул шамолдай елиб кетибди. Палаҳмон дев ҳам бўш келмабди, қувиб уларга етиб олай, етиб олай деб қолибди. Шунда дулдул мард йигитга дебди: «Ёлимнинг чап томонини қара, тўмиқ бор, ўша суякни дев йўлига ташла!» Йигит тўмиқни олиб орқасига ташлабди. Тўмиқ худонинг қудрати билан осмон ўпар тоққа айланибди! Палаҳмон дев ўша тоғнинг орқасида қолиб кетибди. Йигит билан қиз қувонганча йўлларида давом этибдилар. Дев тирмашиб, қўл-оёқлари тилиниб, уриниб-суриниб тоғдан ошиб ўтибди ва яна йигит билан қизни қувишга тушибди. Бир пайт йигит билан қиз орқаларига қарашса, Палаҳмон девнинг уларга етиб олишига бир баҳя қолган эмиш! Қўл узатса тутиб олар эмиш-да!.. Шунда дулдул: «Ёлимнинг ўнг томонини қара, тароқ бор, ол-у орқангга ташла!» дебди. Йигит шундай қилган экан, тароқ одам ўтиб бўлмас қалин чакалакзор ўрмонга айланибди. Палаҳмон дев ўрмон ичида, чакалакзорларда йўл тополмай, адашиб, сарсону саргардон бўлиб қолиб кетибди. Йигит билан қиз қувонганларидан бошлари осмонга етиб: «Энди девдан қутилдик, худога шукур!» дейишиб, йўлда давом этишибди ва Хоразмга етай деб қолишибди. Палаҳмон дев ўрмонда дарахтларни тиши билан қирқиб, арралаб, синдириб, йўл очиб чиқибди. Чунки дев қизни жуда яхши кўрар экан. Йигит билан қиз девнинг яна изларига тушганини билишибди. Улар дулдулга ёлворишиб: «Эй, дулдул! Бизга кўмак бер, бу хўл бало тағин ортимиздан келмақда! Уйимизга етган жойимизда бизни яна етимдай олиб кетмасун!» дейишибди. От тағин тилга кирибди: «Ўмровимга қара, ўмровимга! Бир ойна боғлаб қўйилган. Ўшани ол-у дев йўлига ташла!» Йигит ойнани девга қараб итқитган экан — ойнадай тип-тиниқ баҳайбат тубсиз денгиз пайдо бўлибди! Палаҳмон дев денгиздан чиқа олмай чўкиб кетибди... Йигит билан қиз соғ-саломат Хоразм мамлакатига келишибди ва мурод-мақсадларига етишибди.

Жаҳонгир Мирзо Текина хотундан буни эшитар экан, хаёлан йигит ўрнига ўзини қўйиб кўрар эди. Мана, у қизни девдан қутқарди, дулдулга минди, тўмиқ, тароқ, ойналарни бир-бир дев йўлига ташлади... Қизиқ, ўшанда девдан қутулганларидан кейин, балонинг оғзидан қайтиб келган хушбахт қиз мард халоскорига нималар деган экан-а? Миннатдорчилигини нечук изҳор қилган экан-а? «Бир умр фидойингиз бўлайин, йўлларингизни сочим билан супурайин, қўлингизга зирапча кирса кипригим билан олиб ташлайин, нақдина умримни бахшида айлайин!..» деган сўзларни айтганмикин-а қиз йигитга ўшанда... Жаҳонгир Мирзонинг мард йигитга ҳаваси келади.

Амирзоданинг ёш кўнгли ҳам ана шундай саргузаштли муҳаббат қиссаси қаҳрамони бўлишни истайди. Бунинг учун у ҳам паҳлавон, баҳодирлар сингари олис юртларга бориб, ёр излаб, ғанимларни бартараф этиб, балолардан омон-эсон ўтиб, қаҳрамонликлар кўргизиши лозим. Ёрини дулдулга миндириб олиб келиши даркор.

Аммо... ўшандай ёр, ўшандай юрт қаерда?.. Ўшандай ёр бор, ўшандай юрт бор! Овозаси бутун жаҳонни тутиб кетган ўшандай ёр ҳаваси амирзодани ҳам маст қилган! Буни Жаҳонгир Мирзо юрагининг тубтубида асрайди, сир тутади, ҳали бу ҳақда ҳеч кимга ёрилган эмас!.. Кимга ҳам айтади? Укаси Умаршайх билан бундай маънноларда сирлашмайди, падари бузрукворига айта олмайди... Фақат бир одам бор, — энаси Қутлуғ Туркон оқа! Жаҳонгир Мирзо Қутлуғ Туркон оқани эна деб ўрганган эди. Энаси ундан ҳамма нарсаниям очиқчасига сўрайверади. Энаси шунақалар... Самарқандга борганда пайт топиб энаси билан сўйлашади. Секин, у ёқ-бу ёқдан... Гап ўзи айланиб келиб қолади. Шунда шартта айтади қўяди. Энаси бундай гапларни Соҳибқиронга бемалол билдира олади!..

Амирзоданинг хаёллари чодир чанғароғидан чиқиб осмон бағрида эркин Хоразм томонларга талпинди...

Ҳа, уни узоқдаги бир ёр ўртантиради, ғойибдаги ёр! Амирзоданинг севгани Хоразм тупроғида ўсган қиз! Хоразмшоҳнинг олиймақом хонадони бўстонида япроқ ёзмоққа шайланган чечак, очилиб ўз кўрку жамоли билан оламни ҳайратга солмакни дилига туккан бир ғунча... Исми Севин бика эмиш! Аммо Хонзода хоним, деб шарафланармиш... Хонзода хонимнинг довруғи юртлар оша Жаҳонгир Мирзога ҳам етиб келди. «Хоразмшоҳлар хонадонида бир ожиза бор эмиш. Ҳали бундай ҳусну малоҳат эгаси Ер юзига қадам босмаган эмиш. Башар фарзанди демакка тил бормасмиш, уни фаришталар маликаси деса, тўғрироқ бўлармиш. Шаҳар айлангани чиқса, юзига етти қават парда тутиб олармиш, бутун эл томошага ошиқармиш. Жамолидан йўллар ёришармиш, ўттиз икка қасаба чироқ ёқмай иш қилармиш. Етти иқлимдан совчилар келармиш... Ахир Амир Ҳусайннинг ҳам совчи юборганини Жаҳонгир Мирзо ўз қулоғи билан эшитган. Волидаи муҳтарамасининг ўзи қизининг ҳуснидан ҳайрон, чеҳрасига тикилиб ўлтирармиш...»

Амирзода кеча-ю кундуз ғойибдаги маҳбубасини ўйлаб чиқадиган бўлиб қолди. Қандай йўл тутмоқ керак? Қандай қилиб узоқдаги ёр висолига етишади? Бир неча хос йигитларини олиб Хоразмга борсинму? Аммо, маҳбубаси девлар қўлида эмас, ота-онасининг бағрида тинчгина яшаб юрибди. Совчилар юбортирсинму? Лекин совчи юборингиз, деб падари бузрукворига қандай айтади? Айтса... ким айтади? Қачон айтади?..

Жаҳонгир Мирзо кўзларини очиб атрофга қаради. Офтобнинг оппоқ беғубор нурлари чағароқ гардишига ўралиб жилва қиларди. Чодир ичи ёп-ёруғ, Ахий Жаббор ҳам чиқиб кетибди. Амирзода боши оғирлашганини сезди. Бедор ўтган кеча худди тушда кўргандек эди. Хаёлларнинг жўшқин оқими, афсоналар, хотиралар барча-барчаси аралаш-қуралаш бўлиб кетиб амирзодани ҳоритиб ташлади. Унинг кўзлари юмила бошлади ва бироздан кейин Жаҳонгир Мирзонинг енгилгина хурраги эшитилди.

* * *

Жоме масжиди минорасидан ўқилган азондан кўп ўтмай, кўҳна шаҳар узра карнайнинг босиқ, руҳлантиргувчи ёқимли овози тарала бошлади. Бироздан кейин унга ноғора билан сурнай садолари эргашди. Бари хушнуд дамларга ишора эди. Чорсу майдонининг кенг саҳнига сувлар сепилиб, супуриб-сидирилганди. Кўчадан шу пайт жарчининг ўктам овози эшитилди:

— Одамлару одамлар, боғда битган бодомлар! Эшитмадим, деманглар! Бугун Абулмузаффар Соҳибқирон Амир Темур Кўрагон ҳазрати олийлари Мовароуннаҳр султони деб эълон этиладур! Ҳамма Чорсу майдонига-а-а-а! Чорсуга-а-а!.. Чорсуга-а-а-а!..

Саҳарликдан сўнг бомдод намозини Темурбек пири муршид Мир Саййид Барака билан бирга адо этдилар. Сўнг жойнамоздан туришмай, ҳар бирлари ўз ҳолича саловот ўқидилар. Мир Саййид Барака энг охирида Соҳибқирон учун алоҳида тиловат қилди, илоё Темурбекнинг манглайини ёруғ эт, умрини узоқ қил, жаҳон подшолари қаторидан кўркам жой ато айла, деб яратганнинг ўзига ёлворди...

Мир Саййид Барака Маккаи мукаррама саййидларидан бўлиб, камтарона тирикчилик соҳиби, эл Термиз ота деб атаб юборган машҳури офоқ шайх Ҳаким ат-Термизийнинг ғойибона мухлиси эди. Беш юз йиллар муқаддам яшаган Термиз отанинг муҳташам мақбараси бозор ичида жойлашган ва гавжум зиёратгоҳга айланганди. Чингизхон босқинида Термиз вайрон бўлди, ер билан яксон қилинди, обод бозор ўрнида хароба култепа қолди. Термиз отанинг мақбараси ҳам бузилиб кетди. Шаҳар жанубга икки-уч чақирим ерга кўчди. Аммо эл бу табаррук жойдан қадамини узмади. Оллоҳ кўнглига солиб, Мир Саййид Барака мўъжазгина хонақоҳ қурдирди ва улуғ пирнинг руҳини шод этмоқ ниятида шу ерда истиқомат айлашга аҳд қилди. Зиёратга келгувчилар ниҳоятда кўп эди.

Иттифоқо, бир кун пешиндан олдинроқ лаҳзагина кўзи илиниб қолибди. Одатда, шайх кундуз кунлари ухламасди, таҳорати синиб қолишдан чўчирди. Аммо ҳамма нарса худодан... Ухлаб, туш кўрибди. Умрида биринчи марта Термиз ота тушига кирибди. Термиз ота унга шундай насиҳат этибди: «Саййид! Сендан ризолиғим беададдур. Бир шогирднинг холис хизматини адо этдинг, илоҳо, кам бўлмағайсен. Шул сонияларгача нотинч эрдим. Эмди кўнгил сокин бўлди, иншоолло, мулку мамолик бўстони қулф уриб яшнағай, дину имоннинг зилол булоқлари қайнашдан тинмағай! Илло, Мовароуннаҳрга юртнинг ўз ўғли подшолиқ қилур. Сен ул зотнинг ёнида бўлғил, унинг дил ойнасига ғубор тушишига йўл бермағил! Эмди борғил... Бугуноқ йўлни ихтиёр эт!..» Ҳаяжонланган Мир Саййид Барака улуғ пирдан, юртга подшолиқ қилаётган кимдур, дея сўрамоқчи эди, тили айланмади, ажабо, фурсат ҳам йўқ экан, уйғониб кетди... Турибоқ таҳорат олди, аллақандай таважжуҳ билан пешин намозини ўқиди. Кейин Термиз отанинг сўзларини идрок этишга тутинди...

Мир Саййид Бараканинг хонақоҳи йўл бўйида эди, Балхдан Самарқандга, Самарқанддан Термизга қатнайдиган кишилар, ҳар турли йўловчилар Термиз ота қабрини зиёрат этишга кириб ўтардилар. Ана шундай пайтларда юз берган узун-қисқа суҳбатлардан Мир Саййид Баракада юрт аҳволи, шаҳарлар, амирлару беклар, рунуду авбош ҳақида маълум тасаввур пайдо бўлганди. Амир Қозоғон ўлимидан кейин Мовароуннаҳрда юз берган харажу марaж[1], юрт ичида амирлар ўртасидаги бошбошдоқлик, шу туфайли Жета хони Туғлуқ Темирхоннинг икки марта мамлакатга бостириб кириши-ю Илёсхўжахон босқинларидан бохабар эди. Ҳисори шодмон ҳокими Амир Баён сулдуз, Кеш ҳокими Амир Ҳожи барлос, Шибирғон ҳокими Муҳаммад Хожа опардий, Хўжанд ҳокими Амир Боязид жалойир, Хутталён ҳокими Амир Кайхусрав ва ҳоказолар тарихини оз-моз биларди. Амир Боязид жалойирнинг Туғлуқ Темурхон тарафидан қатл этилганлиги, Амир Ҳожи барлоснинг Хуросонда ўлдирилганлиги ҳам унга маълум эди. Ажабки, бу кишилар борасида гап кетганда Мир Саййид Барака сўзларга лоқайдгина қулоқ соларди. Унинг диққатини Мовароуннаҳр ҳукмдори Амир Ҳусайн ва амирлашкар Темурбек ҳақидаги ҳикоялар кўпроқ ўзига тортарди. Темурбек тўғрисидаги тасаввури тўлиша борган сари, ўзи амирни сўраб-суриштирадиган бўлди. Шайхни қўрқмас, мард, ақлли, инсофли, диёнат йўлини тутган Темурбек қаттиқ қизиқтириб қолди. Айниқса, зиёратга келган бир амир ўзи иштирок этган ва шоҳид бўлган қуйидаги воқеани айтиб берганда, Мир Саййид Бараканинг шаҳрисабзлик амир хусусидаги тасаввури яна ҳам бойиди.

**(Давоми бор).**

[1] Харажу марaж — анархия маъносида.